

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

33-сон
(1105)
2023 йил
август

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

365. ««Волонтёрлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 августдаги ўРҚ–863-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

366. «Кўп квартирали уйларни бошқаришни янада самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 августдаги ПҚ–278-сон қарори

367. «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида хорижий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 18 августдаги ПҚ–282-сон қарори

Учинчи бўлим

368. «Олий таълим муассасалари талабаларини турар жой билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги 376-сон қарори
369. «Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар ягона электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги 385-сон қарори

Бешинчи бўлим

370. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2023-yil 26-iyundagi 52-2023/B-son “Ishga qabul qilish chog‘ida tanlov o‘tkazish to‘g‘risidagi namunaviy nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 14-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3451)
371. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2023 йил 12 июлдаги 361-сон «Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240-7*)
372. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 19 июлдаги 2310-сон «Ишлаб чиқариладиган табиий газга акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 17 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2310-3*)
373. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2023 йил 3 августдаги 22-сон, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 28 июлдаги 31-сон ва Ички ишлар вазирлигининг 2023 йил 31 июлдаги 35-сон «Йўналишга чиқиш олдидан автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш ҳамда йўловчилар, багаж ва юклар ташувларини амалга оширадиган ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2560-2*)
374. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2023 йил 18 июлдаги 130-сон «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларига насли молларни аукцион (кимошди савдоси) орқали сотишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги

буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1591-2*)

375. Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг 2023 йил 22 июлдаги МН-10-сон «Қаттиқ маиший чиқинди полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3197-3*)
376. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 26 июлдаги 30-сон ва Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 19 июлдаги 65-сон «Амбулаторияда даволанишда имтиёзли таъминлаш учун мўлжалланган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2522-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****365 «Волонтёрлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
16 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 5 августда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда волонтёрлик фаолиятини ривожлантиришга, фуқароларнинг ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлашга, уларнинг ижтимоий вазифаларни ҳал этишдаги масъулиятини, бирдамлигини ва ўзаро ёрдам бериш кўникмаларини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди.

Шу билан бирга волонтёрлик фаолиятини янада ривожлантириш ушбу фаолиятнинг қўллаб-қувватланишини, волонтёрлик фаолиятини амалга оширувчи субъектлар билан давлат органларининг ҳамкорлиги кучайтирилишини, ижтимоий вазифаларни ҳал қилишда волонтёрларга кўмаклашилишини, уларнинг хизматлари эътироф этилишини ҳамда уларнинг фаолиятини рағбатлантириш механизмлари такомиллаштирилишини талаб қилмоқда.

Ушбу Қонун билан «Волонтёрлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига волонтёрлик фаолияти соҳасидаги давлат мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш, шунингдек мазкур соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича ваколатлар берилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлигини волонтёрлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи этиб белгилаш, унинг мазкур соҳадаги ваколатларини аниқлаштириш, шунингдек республика ижро этувчи ҳокимият органларининг волонтёрликни қўллаб-қувватлаш ва унга кўмаклашиш бўйича ваколатларини аниқлаштириш назарда тутилмоқда.

Ушбу Қонун волонтёрлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга, волонтёрлик фаолиятини ривожлантириш соҳасида республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколатларини белгилашга, шунингдек волонтёрлик фаолиятини янада рағбатлантиришга хизмат қилади.

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 19 августда эълон қилинган.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 декабрда қабул қилинган «**Волонтёрлик фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–585-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 879-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг тўққизинчи хатбошисидаги** «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари» деган сўзлар «давлат ҳокимияти органлари, республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **9-модданинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

волонтёрлик фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

волонтёрлик фаолияти соҳасидаги давлат мақсадли дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини таъминлайди;

волонтёрлик фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида қабул қилади;

волонтёрлик фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ишини йўналтиради ва мувофиқлаштиради;

волонтёрлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқади;

волонтёрлик фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ва тажриба алмашишга қўмаклашади»;

3) қўйидаги мазмундаги **9¹** ва **9²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«9¹-модда. Махсус ваколатли давлат органининг волонтёрлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги волонтёрлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

волонтёрлик фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

волонтёрлик фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади;

волонтёрлик фаолияти соҳасидаги давлат мақсадли дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

волонтёрлик фаолияти соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

волонтёрлик фаолиятини ахборот ва маслаҳат жиҳатидан, шунингдек ўқув-услубий жиҳатдан ўз ваколатлари доирасида қўллаб-қувватлайди;

жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек давлат органлари билан волонтёрлик фаолияти соҳасида ҳамкорлик қилади;

волонтёрлик фаолияти соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9²-модда. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг волонтёрлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари:

волонтёрлик фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

волонтёрлик фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ўз ваколатлари доирасида иштирок этади;

волонтёрлик фаолияти соҳасидаги давлат мақсадли дастурларини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек давлат органлари билан волонтёрлик фаолияти соҳасида ҳамкорлик қилади.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари волонтёрлик фаолияти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмаларини бериши мумкин»;

4) 10-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«волонтёрлик фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ўз ваколатлари доирасида иштирок этади;

волонтёрлик фаолияти соҳасидаги давлат мақсадли дастурларини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади»;

тўртинчи ва **бешинчи хатбошилари** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

5) 14-модданинг тўртинчи қисми «шунингдек энг кўп ўзини кўрсатган волонтёрларни рағбатлантириш ва (ёки) мукофотлаш учун номзодларни» деган сўзлардан кейин «махсус ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) 19-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Махсус ваколатли давлат органи волонтёрларнинг волонтёрлик фаолияти соҳасидаги хизматларини эътироф этишга доир тадбирларни ўтказида»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

7) 24-модданинг учинчи хатбошисидаги «давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 18 август,
ЎРҚ–863-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ****366 Кўп квартирали уйларни бошқаришни янада самарали
ташқил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, бошқариш органлари билан мулкдорлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатилишини ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўлов интизомини таъминлаш ҳамда соҳага етарли малака, кўникма ва моддий-техник базага эга бўлган бошқариш органларини жалб қилиш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари 1-иловага** мувофиқ чегаралари белгиланган кўп квартирали уйларга туташ ер участкаларини кўп квартирали уйлардаги жойлар мулкдорларига бир ой муддатда доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш тўғрисида қарор қабул қилсин.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда республикадаги қолган кўп квартирали уйларнинг туташ ер участкалари чегараларини белгилаб, «YERELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари чегаралари белгиланган кўп квартирали уйларга туташ ер участкаларини тегишли кўп квартирали уйлардаги жойлар мулкдорларига бир ой муддатда доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш тўғрисида қарор қабул қилсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) Кадастр агентлиги томонидан кўп квартирали уйларга туташ ер участкаларининг мавжуд топографик тасвирлари Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига бепул тақдим этилади;

б) 2024 йил 1 январдан бошлаб:

кўп квартирали уйлардаги кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш нотариуслар томонидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ахборот тизими орқали тегишли мулкдорнинг мажбурий бадаллар ёки тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги текширилгандан кейин амалга оширилади;

умумий мол-мулкни сақлаш, ундан фойдаланиш ва уни таъмирлаш ҳамда

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 23 августда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кўп квартираларни уйга туташ ер участкасини ободонлаштириш учун мажбурий бадалларнинг ёки тўловларнинг энг кам миқдори Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан белгиланади;

кўп квартираларни уйларни бошқариш органларига агротехник ишлов беришдан ҳосил бўладиган чиқиндиларни (дарахт ва бута шох-шаббалари, барглари) ва кўп квартираларни уйларга туташ ҳудудларни тозалашдан ҳосил бўлган чиқиндиларни маиший чиқиндиларни тўплаш пунктларида ёки чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш операторлари билан келишилган махсус жойларда йиғишга рухсат этилади. Бунда:

мазкур чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўлов қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун белгиланган мажбурий тўловларга қўшилган ҳолда ягона тўлов сифатида ундирилади;

агротехник ишлов беришдан ҳосил бўладиган чиқиндиларни (дарахт ва бута шох-шаббалари, барглари) ва кўп квартираларни уйларга туташ ҳудудларни тозалашдан ҳосил бўлган чиқиндиларни йиғиш ва маиший чиқиндиларни тўплаш пунктларига ёки келишилган махсус жойларга етказиш тўлиқ кўп квартираларни уйларни бошқариш органлари томонидан амалга оширилади;

маиший чиқиндиларни тўплаш пунктларида ёки келишилган махсус жойларда тўпланган агротехник ишлов беришдан ҳосил бўладиган чиқиндилар (дарахт ва бута шох-шаббалари, барглари) ва кўп квартираларни уйларга туташ ҳудудларни тозалашдан ҳосил бўлган чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш операторлар томонидан кўп квартираларни уйларни бошқариш органлари билан келишилган ҳолда режа-график асосида амалга оширилади;

в) қурувчи ташкилот қурилиши тугалланган кўп квартираларни уйни бошқариш учун бошқарувчи ташкилотни жалб қилади. Бошқарувчи ташкилот аниқланмаган кўп квартираларни уйлар фойдаланишга қабул қилинмайди;

г) кўп квартираларни уйлардаги умумий мол-мулкнинг талаб даражасида сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган хизматлар ва ишларнинг минимал рўйхати Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланади.

3. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда кўп квартираларни уйларни бошқариш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

кўп квартираларни уйлар ва уларга туташ ер участкалари учун қарз маблағлари, шу жумладан банк кредитлари кўп квартираларни уйларнинг барча жойлар мулкдорлари томонидан бир овоздан қабул қилинган қарор асосида олиниши мумкинлиги;

кўп квартираларни уйни бошқариш ташкилотини ёки бошқарувчини алмаштириш муддатига чеклов қўйиш;

кўп квартираларни уйни бошқариш усулини ва бошқариш органини танлаш масаласи юзасидан барча жойлар мулкдорларининг ёки улар вакилларининг эллик фоизидан кўпроғи уни ёқлаб овоз берса, умумий йиғилишнинг қарори қабул қилинган деб ҳисобланиши.

4. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги, Кадастр агентлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда кўп квартирали уйларнинг бошқариш органлари фойдаланишида бўлган давлатга тегишли бино ва иншоотларни, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказилмаган бино ва иншоотларни хатловдан ўтказсин ҳамда уларни Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Коммунал таъминот маркази» давлат муассасасига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказиш бўйича чоралар кўрсин.

5. Ҳисоб палатаси Бош прокуратура ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда кўп квартирали уй-жойлар мулкдорлари ширкатларининг ва бошқарувчи ташкилотларнинг ҳудудий электр тармоқлари корхоналари олдидаги 80,5 млрд сўм миқдоридаги қарздорлиги ва улар учун ҳисобланган жарималар юзасидан ўрганиш ўтказсин ҳамда ушбу қарздорликни ундириш бўйича таклиф киритсин. Бунда, мазкур қарздорликнинг тўлов муддати 2024 йил 1 октябрга қадар кечиктирилсин.

6. Ўзбекистон Республикасида реновация дастурини амалга оширишни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш бўйича ишчи гуруҳ 2-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин.

Ишчи гуруҳга қуйидаги вазифалар юклансин:

реновация дастурини амалга ошириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

реновация тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишини таъминлаш;

реновация дастури амалга ошириладиган ҳудудларни келишиш;

реновация дастурини амалга оширишдаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ечиш бўйича тизимли таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органларининг реновация соҳасидаги келишилган фаолиятини таъминлаш;

амалга оширилаётган реновация дастурларининг самарадорлигини мониторинг қилиш;

хорижий давлатларнинг реновация йўналишидаги илғор тажрибасини ўрганиш.

7. Кўп квартирали уйларни бошқариш органлари томонидан фаолиятни амалга ошириш жараёнида тегишли мулкдорларнинг ҳуқуқлари бузилишини олдини олиш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясига қуйидаги қўшимча ваколатлар берилсин:

кўп квартирали уйларни бошқариш органлари ва жойлар мулкдорлари томонидан иссиқлик таъминотидан фойдаланишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

кўп квартирали уйлардаги умумий мол-мулк ва уларга туташ ер участкаларида амалга оширилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг қонунчилик ҳуж-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ бажарилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш.

8. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида кўп квартиралли уйларни бошқаришни янада самарали ташкил қилиш юзасидан «Йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги «Кўп квартиралли уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ–5152-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

10. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б.И. Закиров белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 15 август,
ПҚ–278-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 15 августдаги
ПҚ–278-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил
19 июндаги «Кўп квартиралли уй-жойларни бошқариш тизимини
янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-5152-сон қарорига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 7-бандда:

«е» ва «ж» кичик бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

«к» кичик банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

2. 5-илованинг 15-позицияси чиқариб ташлансин.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**367** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида хорижий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги «Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ–10-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, Ички ишлар вазирлиги Академиясида хорижий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини жорий этиш орқали жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашишда халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда — Ички ишлар вазирлиги) билан 24 та давлат ички ишлар органлари (полиция) ўртасида имзоланган англашув меморандумларида кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш бўйича ҳамкорлик қилиш белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ички ишлар вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин: 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб, Ички ишлар вазирлиги Академиясида (кейинги ўринларда — Академия) хорижий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш (кейинги ўринларда — таълим бериш) тизимини йўлга қўйиш;

Академиянинг умумий чекланган штат бирликлари доирасида унинг тузилмасида Хорижий кадрлар билан ишлаш факультетини (кейинги ўринларда — Хорижий факультет) ташкил этиш.

3. Қуйидагилар Хорижий факультетнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

хорижий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрларини белгиланган тартибда қабул қилиш, ўқитиш ва битирув тадбирларини ташкил этиш, ушбу жараёнга жалб этиладиган Академиянинг илмий ва ўқув-тарбиявий бўлинмаларига ҳар томонлама кўмаклашиш;

хорижий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрларига таълим бериш шакллари ва технологияларини такомиллаштириш мақсадида республиканинг бошқа соҳалардаги етакчи таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

хорижий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрлари ва Академиянинг курсантлари (тингловчилари) ўртасида маданиятлараро алмашинув бўйича тадбирлар, шунингдек, маданий ва маънавий-маърифий ишларнинг сифатли ўтказилишини мувофиқлаштириш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 22 августда эълон қилинган.

хорижий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрларига таълим бериш жараёнининг самарадорлигини баҳолаш, маданиятлараро алмашинувнинг янги шакллари қўллаш ҳамда ўқишнинг тахлилини амалга ошириш;

хорижий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрлари вақтинча яшаши учун уй-жой ижараси ва маданий-ҳордиқ тадбирларини ташкил этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида хорижий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Академияда хорижий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрларининг таълим олиши хорижий давлатларнинг расмий мурожаатига асосан Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати билан келишилган ҳолда ташкил этилади;

хорижий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрларига таълим бериш белгиланган тартибда тузиладиган икки ва кўп томонлама халқаро шартномаларга мувофиқ бепул, имтиёзли ҳамда тўлов асосида амалга оширилади;

хорижий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрларига таълим бериш олий таълимнинг бакалавриат дастури бўйича ажратиладиган квоталар доирасида ҳамда магистратура ва олий таълимдан кейинги таълим дастури бўйича Академияга ажратилган квоталардан ташқари квоталар доирасида амалга оширилади;

хорижий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрларига таълим бериш Академиянинг курсантлари, тингловчилари ва докторантлари учун ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

6. Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов):

Академия томонидан хорижий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрларига таълим бериш тартиби ва муддатлари бўйича доимий равишда тегишли хорижий давлатларни хабардор қилиб борсин;

2023 йилнинг якунига қадар Академия қошида етакчи хорижий олий таълим ташкилотларининг юқори малакали мутахассисларидан иборат ўқув-методик кенгашни ташкил этиш ҳамда унинг фаолияти асосий йўналишлари сифатида Академиянинг таълим жараёнига илғор хорижий тажрибани ва инновацион педагогик технологияларни татбиқ этишни белгилаш бўйича зарур чораларни кўрсин;

ҳар йили Академиянинг камида 10 нафар профессор-ўқитувчилари ва илмий-педагог ходимларини хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларига илмий-педагогик стажировка ва малака ошириш учун юбориш чораларини кўрсин;

2024 йил 1 сентябрь кунига қадар хорижий давлатларнинг ички ишлар органлари (полиция) кадрларига таълим бериш учун етарли шарт-шароитларни яратиш ҳамда самарали таълим жараёнини йўлга қўйиш мақсадида Академиянинг ўқув ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш чораларини кўрсин;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И. Абдурахмонов) билан биргаликда 2024 йил 1 март кунига қадар юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда, Академиянинг хорижий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрлари учун ўзбек тилини ўқитиш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқсин;

Ташқи ишлар вазирлиги (Б. Саидов) билан биргаликда хорижий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрларига белгиланган тартибда визалар бериш ва уларнинг муддатини узайтириш, шунингдек, уларни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишни ва унинг муддатини узайтиришни таъминласин.

7. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова) Ички ишлар вазирлиги буюртмасига асосан хорижий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрларининг фарзандларини яшаш манзили (вақтинча рўйхатдан ўтган жойи) бўйича бириктирилган ҳудуддаги давлат умумий ўрта таълим муассасаларига жойлаштириш чораларини кўриб борсин.

8. Белгилансинки:

мазкур қарорни амалга ошириш, шу жумладан, хорижий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрларини тайёрлаш билан боғлиқ тадбирлар Ички ишлар вазирлигига ҳар йили Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар доирасида, Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

хорижий давлатлардан ички ишлар органлари (полиция) кадрларининг таълим олиши учун Академиянинг бюджетдан ташқари ҳисобварағига келиб тушган маблағлар унинг ўқув ва моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, бино ва иншоотларни қуриш, таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш ишларига йўналтирилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов белгилансин.

Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси ўринбосари Д.Б. Кадилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 18 август,
ПҚ–282-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 18 августдаги
ПҚ-282-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академиясида хорижий давлатлар ички ишлар органлари
(полиция) кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси (кейинги ўринларда — Академия)да хорижий давлатлар ички ишлар органлари (полиция) кадрларини (кейинги ўринларда — хорижий кадрлар) тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш (кейинги ўринларда — таълим бериш) тартибини белгилайди.

2. Академияда хорижий кадрларга таълим бериш икки ва кўп томонлама халқаро шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

3. Академияда хорижий кадрлар учун йиллик қабул квоталари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Хорижий давлатлар кесимидаги ҳар йилги квота, мутахассислик ва ўқиш тури бўйича тақсимот Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати билан келишган ҳолда амалга оширилади.

4. Хорижий кадрларни ўқишга қабул қилиш Вазирликка хорижий давлатларнинг ваколатли органлари тақдим этган расмий мурожаатга асосан режалаштирилади.

5. Хорижий давлатлар ваколатли органларининг хорижий кадрлар таълим олиши бўйича қилган расмий мурожаатларини кўриб чиқиш, квоталар ажратиш учун рўйхатни шакллантириш тартиби ва ўқишга қабул қилиш муддати Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Бунда белгиланган ушбу муддатдан ўқиш бошлангунга қадар бўлган оралиқ вақт тўрт ойдан кам бўлмаслиги лозим.

6. Академияда хорижий кадрларга таълим бериш харажатлари қуйидаги тартибда қопланади:

бепул асосда — таълим ва таъминот (махсус кийим-кечак, озиқ-овқат, пул таъминоти, коммунал хизмат) харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан (магистратура ва олий таълимдан кейинги таълим тингловчиларининг турар жой, озиқ-овқат ва коммунал хизмат харажатлари бундан мустасно);

имтиёзли асосда — таълим харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан, таъминот (кийим-кечак,

озик-овқат, пул таъминоти, коммунал хизмат), ўқиш даври мобайнида турар жой харажатлари эса юборувчи томонлар ҳисобидан;

тўлов асосида — таълим ва таъминотнинг барча харажатлари юборувчи томонлар ҳисобидан.

2-боб. Хорижий кадрларга таълим бериш тартиби

7. Академияга хорижий кадрлар кириш имтиҳонларисиз ўқишга қабул қилинади.

8. Хорижий кадрларга таълим бериш қуйидаги дастурлар асосида амалга оширилади:

олий таълим даражасига мувофиқ келадиган олий таълимнинг бакалаврият ва магистратура дастурлари бўйича;

олий таълимдан кейинги таълим даражасига мувофиқ келувчи таянч докторантура дастури бўйича;

қўшимча касбий тайёргарлик (қайта тайёрлаш ва малака ошириш) дастурлари бўйича.

9. Академияда хорижий кадрларга таълим бериш Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартларига ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, битирувчилар касбий тайёргарлигининг малака талабларига татбиқ этилган асосий таълим дастурлари асосида амалга оширилади.

10. Хорижий кадрларга таълим бериш олий таълимнинг таълим дастурлари бўйича ўзбек, рус ва инглиз тилларида амалга оширилади.

11. Академия томонидан хорижий кадрларга мавжуд мутахассисликлар (шартнома ва битим)ларда кўрсатилган) бўйича таълим берилади.

12. Хорижий кадрларга ўзбек тилини ўргатиш Академия томонидан амалга оширилади.

13. Хорижий кадрларни тайёрлаш бакалаврият, магистратура ва олий таълимдан кейинги таълим дастурлари бўйича кундузги таълим шаклида, қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурлари бўйича кундузги ва масофавий шаклларда амалга оширилади.

14. Бакалаврият таълим дастурларини ўзлаштирган хорижий кадрларга мутахассислиги бўйича малака, белгиланган давлат намунасидаги диплом ва кўкрак нишони берилади.

Магистратура таълим дастурларини ўзлаштирган хорижий кадрларга тегишли магистр даражаси ҳамда белгиланган давлат намунасидаги диплом ва кўкрак нишонлари берилади.

Таянч докторантура дастурини ўзлаштирган ва белгиланган тартибда диссертация ҳимоя қилган хорижий кадрларга тегишли фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси берилади.

Қисқа муддатли курсларни тамомлаган хорижий кадрларга белгиланган намунадаги гувоҳномалар (сертификатлар) берилади.

15. Академияда хорижий кадрларни бепул, имтиёзли ва тўлов асосида тайёрлаш тартиби, уларнинг пул таъминоти, моддий-техника ва бошқа таъминот турларининг ўзига хослиги, қўшимча касбий тайёргарлик (қай-

та тайёрлаш ва малака ошириш) дастурлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлик доирасида тузилган шартнома (битим)ларига мувофиқ белгиланади.

3-боб. Хорижий кадрларга таълим беришни молиялаштириш

16. Хорижий кадрларга таълим бериш билан боғлиқ харажатларнинг юборувчи томон ҳисобидан тўланадиган қисми ўқув йили бошлангунига қадар Вазирликнинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича юборувчи томондан Академиянинг бюджетдан ташқари ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан олдиндан тўланади.

17. Ўқишга қабул қилинган вақтда офицерлик унвонига эга бўлмаган, бепул асосда таълим олувчи хорижий кадрларга «Академия курсанти» лавозими бўйича пул таъминоти берилади.

18. Ўқишга қабул қилинган вақтда офицерлик унвонига эга бўлган, бепул асосда таълим олувчи хорижий кадрларга, таълим олиш муддати ва курсидан қатъи назар:

магистратура таълим даражасига мувофиқ келувчи таълим дастури ва докторантура дастури бўйича — «катта инспектор» лавозими ва унга тенглаштирилган лавозимлар бўйича лавозим маоши;

қўшимча касбий тайёргарлик (қайта тайёрлаш ва малака ошириш) дастурларида — «инспектор» лавозими ва унга тенглаштирилган лавозимлар бўйича лавозим маоши тўланади.

19. Ушбу Низомнинг 18-бандида назарда тутилган тўловлар ўқишга қабул қилинган кундан бошлаб, ўқишни яқунлаган кунгача бўлган муддатда амалга оширилади.

20. Офицерлик унвонига эга бўлмаган хорижий кадрлар ўқиш даврида Академия курсантларига белгиланган меъёрлар асосида озиқ-овқат билан таъминланади.

Офицерлик унвонига эга бўлган хорижий кадрларнинг ўқиш даврида озиқ-овқат таъминоти ўз ҳисобидан амалга оширилади.

21. Хорижий кадрларнинг кийим-кечак таъминоти юборувчи томон ҳисобидан қопланади ва Академия ҳудудида ўз хизмат кийимини белгиланган қоидаларни бузмаган ҳолда кийиб юради.

22. Хорижий кадрлар Вазирлик ходимлари учун назарда тутилган меъёрлар бўйича амалий машғулотларнинг алоҳида турларини ўтказиш учун махсус кийим-кечак билан таъминландилар.

23. Ўқиш даврида хорижий кадрларнинг турар жой таъминоти қуйидаги тартибда амалга оширилади:

бакалаврият дастури бўйича ўқиш даврида бепул асосда Академия ётоқхонасида турар жой билан таъминланади. Тўлов асосида ўқитиладиган курсантларнинг турар жой харажатларини юборувчи томон қоплайди;

магистратура, таянч докторантура ҳамда қўшимча касбий тайёргарлик (қайта тайёрлаш ва малака ошириш) дастурлари бўйича ўқиш даврида турар жой ижарага олиш орқали таъминланади. Бунда ижарага олиш харажатлари юборувчи томон ҳисобидан қопланади.

24. Юборувчи томон хорижий кадрларнинг ўқиши даврида ўқув режаларида белгиланган меъёрлардан ташқари қўшимча академик соатлар талаб қилганда, ўтказилган қўшимча дарслар учун амалга оширилган сарф-харажатлар юборувчи томон ҳисобидан қопланади.

25. Хорижий кадрларнинг тиббий таъминоти Вазирлик ходимлари учун белгиланган меъёрлар асосида амалга оширилади.

26. Хорижий кадрларга таълим бериш жараёнида уларни ташиш билан боғлиқ харажатлар қабул қилувчи томон ҳисобидан амалга оширилади.

Хорижий кадрларнинг таътилда бўлиш даврида доимий яшаш жойига бориши ва қайтиши билан боғлиқ харажатлар юборувчи томон ҳисобидан амалга оширилади.

4-боб. Ўзбекистон Республикасида таълим олиш давомида хорижий кадрларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

27. Хорижий кадрлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Академия илмий-тадқиқот ишларида (махфийлик грифига эга илмий-тадқиқот ишлари бундан мустасно), курсантларнинг илмий ва бошқа тўғаракларида қатнашиш;

Академиянинг махфий бўлмаган ахборот-ресурс маркази, спорт мажмуалари, клублари ва маданият саройларидан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларидан ички ишлар органлари ходимлари учун белгиланган чекловлар ва тақиқларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш;

командир (бошлиқ)лар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан ўзига нисбатан адолатли муносабатда бўлишлари ҳамда шаъни ва кадр-қимматининг ҳурмат қилиниши;

белгиланган таълим стандартларига мувофиқ таълим олиш;

ҳаёти ва соғлиғини ҳимоялаш;

хавфсизлик техникаси ҳамда санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари талабларига мос келадиган хизмат шароитларига эга бўлиш;

дам олишнинг уюштирилган турларида қатнашиш.

28. Хорижий кадрлар:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилиши, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиши, республикада хорижий фуқароларнинг бўлиши ва ҳаракатланиши бўйича белгиланган қоидаларга амал қилиши;

интизомга қатъий риоя қилиши, машғулотларда қатнашиши, ўқув режалари ва дастурларида белгиланган ўқув ишларининг барча турларини бажариши, имтиҳон ва синовларни белгиланган муддатларда топшириши;

Академияда ўрнатилган ички тартиб-қоидаларига риоя қилиши;

Вазирлик, Академия раҳбарлари ва командирларнинг кўрсатмалари ҳамда фармойишларини бажариши шарт.

29. Академияда белгиланган ички тартиб-қоидаларга риоя этмаган, ўқув

фани дастурларини ўзлаштирмаган хорижий кадрларни белгиланган тартибда ўқишдан четлаштириш чоралар кўрилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш қоидаларини бузганлик учун хорижий кадрлар белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан республика ҳудудидан чиқариб юборилади.

Курсантлар ва тингловчиларни ўқишдан четлаштириш, қайта тиклаш ҳамда ўқув режаси талабларини бажара олмаган таълим олувчиларга академик қарздорликларни бартараф этиш имконини бериш тартиби ўқиш учун тузиладиган ўзаро шартномаларда белгиланади.

30. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган хорижий кадрлар, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига асосан жавобгарликка тортилади.

31. Ўқишни тугатган ёки тингловчи ёхуд курсантлар рўйхатидан четлаштирилган хорижий кадрлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетишлари шарт, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида, шунингдек, жамоавий ва шахсий шартномалар ҳамда контрактларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5-боб. Яқунловчи қоида

32. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор деб топилган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 18 августдаги
ПҚ–282-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3216-сон қарорининг 2-банди тўртинчи хатбошиси «700 кишини,» сўзларидан кейин «шунингдек, тўлов-контракт асосида қўшимча 200 нафаргача,» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги «Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5076-сон қарорида:

а) 1-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Академиянинг магистратура дастури бўйича ўқитиш ички ишлар органлари учун раҳбар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлашга қаратилади ҳамда иккинчи даражадаги «ташкилий-тактик бошқарув», биринчи даражадаги «ташкилий-стратегик бошқарув» ва «илмий-педагогик фаолият» мутахассисликларида ташкил этилади»;

саккизинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«биринчи даражали магистратуранинг таълим олувчилари Ички ишлар вазирлиги департамент бошлиқлари, ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларининг бевосита мураббийлигида мажбурий тартибда амалиёт (стажировка) ўтайди, шунингдек, магистратура тингловчилари хорижий ҳуқуқ-тартибот идоралари таълим муассасаларининг малака ошириш курсларига юборилади»;

б) 6-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Академия магистратурасида» сўзлари «Академия магистратурасининг «Ташкилий-тактик бошқарув» ва «Ташкилий-стратегик бошқарув» мутахассисликларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «2024 йил» сўзлари «2026 йил» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 11-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Академия бакалавриятининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти» таълим йўналиши бўйича тўлов-контракт асосида ўқитишда хизмат сафари ва автотранспорт харажатлари, кийим-кечак ҳамда озиқ-овқат таъминоти таълим олувчилар ҳисобидан қопланади. Ушбу харажатларнинг миқдори ҳар ўқув йили учун Академия томонидан белгиланади»;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши этиб ҳисоблансин;

г) 1-иловининг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академиясидаги таълим йўналишлари (мутахассисликлари)
РЎЙХАТИ**

Т/р	Йўналиш (мутахассислик) номи	Бериладиган малака	Таълим шакли	Таълим муддати
I. Бакалаврият				
1.	Тезкор-қидирув фаолияти	юрист	кундузги	3 йил
2.	Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти	юрист	кундузги	3 йил
3.	Эксперт-криминалистика фаолияти	юрист	кундузги	3 йил
4.	Жазони ижро этиш фаолияти	юрист	кундузги	3 йил
5.	Пробация фаолияти	юрист-психолог	кундузги	3 йил
6.	Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш	юрист-психолог	кундузги	3 йил
7.	Ташкилий-штаб фаолияти	юрист	кундузги	3 йил
8.	Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фoш этиш фаолияти	юрист	сиртки	4 йил / 3 йил*
II. Магистратура				
9.	Ташкилий-тактик бошқарув	II даражали магистр-юрист	кундузги	1 йил
10.	Ташкилий-стратегик бошқарув	I даражали магистр-юрист	кундузги	1 йил
11.	Илмий-педагогик фаолият**	магистр-юрист	кундузги	2 йил

* олий маълумотга эга бўлмаганлар учун — 4 йил, олий маълумотлилар учун — 3 йил;

** ўқув жараёни 2024/2025 ўқув йилидан бошланади»;

д) 3-иловада:

«Офицерлар таркиби» бўлими қўйидаги мазмундаги позиция билан тўлдирилсин:

«

ИИБ Академияси	кундузги илмий-педагогик магистратура (2 йил)	Магистр («илмий-педагогик фаолият»)	таълим ва илмий муассасалар	полковник	-
----------------	---	-------------------------------------	-----------------------------	-----------	---

»;

изоҳ қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«* фуқаровий олий маълумотга эга бўлганда.

** фуқаровий олий маълумотга эга бўлганларни офицерлар таркибидаги лавозимларга тайинлашда.

*** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ўқитилиши белгиланган бошқа мутахассислик лавозимларига ўтишда.

**** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Молиявий ва моддий-техник таъминот департаментининг, Шахсий хавфсизлик бош бошқармасининг, Идоравий ҳамкорлик бош бошқармасининг бошқармалари, ахборот технологияларни жорий этиш бўлинмалари, Халқаро ҳамкорлик бошқармаси, Тиббиёт бошқармаси, Жамоатчилик ва ОАВ билан ҳамкорлик бошқармаси, Ҳарбий-сафарбарлик бошқармаси, Назорат-тафтиш инспекцияси, Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий марказий бюроси бундан мустасно.

***** Молиявий ва моддий-техник таъминот департаменти, Шахсий хавфсизлик бош бошқармаси, Идоравий ҳамкорлик бош бошқармасидан ташқари».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги «Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–10-сон қарорида:

3-банднинг учинчи хатбошидаги «ва «Тезкор-қидирув фаолияти» таълим йўналишларига» сўзлари «таълим йўналишига» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда, қўшимча ўқув машғулотларидан тушган маблағларнинг 50 фоизи машғулот ўтказган ўқитувчининг меҳнатига ҳақ тўлашга қўшимча устама учун, қолган қисми академик лицейнинг моддий-техник ва ўқув базасини ривожлантириш, ходимларни рағбатлантириш ва бошқа харажатларга йўналтирилади».

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

368 Олий таълим муассасалари талабаларини турар жой билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Талабаларни турар жой билан таъминлашнинг шаффоф ва самарали тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

давлат олий таълим муассасаларининг талабалар турар жойига жойлашиш фақат давлат хизмати марказлари ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИД-ХП) орқали электрон ариза бериш йўли билан амалга оширилади ҳамда талабаларга навбатни онлайн кузатиш ва тўловларни амалга ошириш имконияти яратилади;

талабалар билан тузиладиган турар жой ижара шартномалари давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали масофадан туриб биометрик идентификациялаш (Face-ID) технологияси орқали электрон шаклда реал вақт режимида ҳисобга қўйилади.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Давлат олий таълим муассасаларининг талабаларини талабалар турар жойига жойлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

а) 2023/2024 ўқув йили учун давлат олий таълим муассасаларининг:

1-курс талабаларини талабалар турар жойига жойлаштириш ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламент талаблари асосида амалга оширилади;

2-курс ва ундан юқори курс талабаларини талабалар турар жойига жойлаштириш анъанавий тарзда амалга оширилади. Бунда талабалар турар жойига жойлашиш учун ариза олий таълим муассасаси талабалар турар жойларига жойлаштириш комиссиясига 2023 йил 25 августга қадар топширилади;

б) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб барча курс талабалари учун давлат олий таълим муассасалари талабалар турар жойига жойлашиш онлайн шаклда амалга оширилади. Бунда талабалар турар жойига жойлашиш учун ариза бериш 1 августдан бошлаб ўқув йили якунига қадар давом этади;

в) қуйидаги тоифадаги талабалар устуворлик асосида талабалар турар жойларига қабул қилинади:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 15 августда эълон қилинган.

«Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчилари, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган талабалар;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри», «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»да турадиган талабалар;

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган талабалар;

бир оиладан бакалаврият босқичи кундузги таълим шаклида икки ёки ундан ортиқ тўлов-шартнома асосида ўқиётган оилалар фарзандлари;

халқаро фан олимпиадалари, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ўтказиладиган республика фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган талабалар;

«Йил талабаси» ва «Талабалар театр студиялари» кўрик-танловларининг республика босқичи ғолиби бўлган талабалар;

олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган «Заковат» интеллектуал ўйинининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритган талабалар;

талабалар турар жойида талабалар кенгаши раиси, қават сардори бўлган талабалар;

г) давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали электрон ариза бериш ва тўловларни амалга оширишда давлат хизматини кўрсатганлик учун тўлов ундирилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

а) 2023 йил 20 августга қадар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан талабаларни талабалар турар жойига онлайн жойлаштириш имкониятини берувчи ахборот тизими ишлаб чиқиши ва кейинчалик қўллаб-қувватланишини;

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда «Электрон ҳукумат» идоралараро интеграциялашув платформаси орқали 2023 йил 20 августга қадар тегишли электрон маълумотлар базаларининг ўзаро интеграция қилинишини;

олий таълим муассасалари ҳамда давлат хизматлари кўрсатишда иштирок этувчи бошқа тузилмаларнинг ЯИДХПга уланишини таъминласин;

б) ЯИДХПда давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ушбу қарор талабларининг бажарилиши бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан доимий мониторинг олиб борсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабалар томонидан тўланадиган ижара тўловларини қоплаб бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 24 сентябрдаги 605-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 14 августи,
376-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 14 августдаги 376-сон қарорига
1-ИЛОВА

Давлат олий таълим муассасаларининг талабаларини
талабалар турар жойига жойлаштириш бўйича
давлат хизматлари кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент давлат олий таълим муассасалари талабаларини талабалар турар жойларига жойлаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентнинг қоидалари хорижий, нодавлат ва ҳарбий олий таълим ташкилотлари талабалар турар жойлари, шунингдек, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилган талабалар турар жойларининг хусусий шерик учун тижорий мақсадларда ажратиладиган ўринларига талабаларни қабул қилишга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

махсус ахборот тизими — талабаларни талабалар турар жойига жойлаштириш жараёнини рақамлаштирувчи Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) ягона ахборот тизими;

имтиёзли рўйхат — Регламентнинг 5-бандига мувофиқ аниқланадиган ҳамда талабалар турар жойига биринчи навбатда жойлашиш ҳуқуқига эга талабалар рўйхати;

умумий рўйхат — талабалар турар жойига жойлашиш истагини билдирган имтиёзли рўйхатда мавжуд бўлмаган талабалар рўйхати.

4. Махсус ахборот тизимида қуйидаги маълумотлар олий таълим муассаси томонидан мунтазам киритиб борилади:

а) ҳар йили 1 августга қадар:

тизимдаги ҳар бир талабалар турар жойининг манзили ва қуввати (ўқув йили давомида қўшимча ўринлар яратилган тақдирда, бир иш куни давомида);

талабалар турар жойида курслар ва факультетларга ажратилган ўринлар

сони (ўқув йили давомида олий таълим муассасаси ректори (директори) буйруғи билан қайта тақсимланган тақдирда, шу куннинг ўзида);

б) мунтазам равишда — талабалар турар жойида мавжуд бўш ўринлар сони (бўш ўрин пайдо бўлган тақдирда шу куннинг ўзида тегишли маълумот махсус ахборот тизимига киритилади).

5. Имтиёзли рўйхатга қуйидаги мезонларнинг бирига мос келувчи талабалар киритилади:

а) тегишли тасдиқловчи маълумотлар асосида:

«Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчилари, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган талабалар;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри», «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож оила (аёл) фарзандлари;

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган талабалар;

хорижий давлат фуқароси бўлган талабалар;

бир оиладан бакалаврият босқичи кундузги таълим шаклида икки ёки ундан ортиқ тўлов-шартнома асосида ўқиётган оилалар фарзандлари;

б) олий таълим муассасаси ректори (директори) буйруғи асосида:

халқаро ва Вазирлик томонидан ўтказиладиган республика миқёсидаги фан олимпиадаларида ғолиб бўлган талабалар;

Вазирлик томонидан ўтказиладиган «Заковат» интеллектуал ўйинлари республика босқичи ғолиблари;

«Йил талабаси» кўрик-танлови республика босқичи ғолиблари;

«Талабалар театр студиялари» танловининг республика босқичи ғолиблари;

талабалар турар жойида талабалар кенгаши раиси, қават сардори бўлган талабалар.

6. Имтиёзли рўйхатдаги мезонлар тўғрисидаги маълумотлар ариза бериш жараёнида:

«Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчилари, чин етимлар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган талабалар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг ахборот тизими орқали;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оилалар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизими орқали;

«Темир дафтар»га киритилган оилалар ва «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ахборот тизими орқали;

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ахборот тизими орқали;

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлигининг ахборот тизими орқали;

1-курсга тавсия этилган талабалар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг ахборот тизими орқали;

2-курс ва ундан юқори курс талабалари тўғрисидаги маълумотлар Вазирликнинг ахборот тизими орқали автоматик текширилади.

7. Давлат хизматлари марказлари, олий таълим муассасалари ва мутасадди вазирлик ва идоралар ўртасида ахборотлар алмашинуви фақат идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик орқали электрон рақамли имзони қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу Регламентнинг 6-бандида кўрсатилган ҳолатларни тасдиқловчи маълумотлар «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформасидан олинади.

Тегишли маълумотлар «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформасида аниқланмаган тақдирда, талабадан имтиёзли рўйхатдаги мезонларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини сўрашга йўл қўйилади.

8. Умумий рўйхатдаги талабалар учун олий таълим муассасаси талабалар турар жойида ортиб қолган ўринлар сонига нисбатан навбат асосида қуйидагича тақсимланади:

1-курс талабалари учун 55 — 65 фоизи;

2-курс талабалари учун 15 — 20 фоизи;

3-курс ва ундан юқори курс талабалари учун 20 — 25 фоизгача ажратилади.

Бунда:

курсларга ажратилган, бироқ тўлмай қолган ўринлар аввало қуйи курс талабалари орасида, сўнг курсларнинг ортиб бориши тартибига қатъий амал қилган ҳолда юқори курс талабалари орасида қайта тақсимланади;

олий таълим муассасаси томонидан талабалар турар жойидаги ўринлар сони умумий рўйхат бўйича факультетлар кесимида тақсимланиши мумкин.

9. Умумий рўйхатга киритиладиган талабалар қуйидаги кетма-кетлик асосида талабалар турар жойига жойлаштирилади:

битта оиладан бакалаврият босқичи кундузги таълим шаклида икки ёки ундан ортиқ тўлов-контракт асосида ўқиётган оила фарзандлари;

кундузги таълим шаклида ўқиётган талабалар (кундузги таълим шаклида ўқиётган талабалар турар жойига эҳтиёжи бор талабалар тўлиқ таъминланмасдан туриб, бошқа таълим шаклида ўқиётган талабаларни турар жойга жойлаштиришга йўл қўйилмайди);

талаба қизлар (талабалар контингентидан келиб чиқиб олий таълим муассасаси ректори (директори) ушбу устуворлик улушини белгилайди);

бакалаврият босқичида ўқиётган талабалар (бакалаврият босқичида ўқиётган турар жойга эҳтиёжи бор талабалар тўлиқ талабалар турар жойига жойлаштирилмасдан, таълимнинг магистратура ва докторантура босқичида ўқиётган талабаларни турар жойга жойлаштиришга йўл қўйилмайди);

олий таълим муассасаси жойлашган ҳудуддан бошқа ҳудудда доимий яшовчи талабалар;

ариза берилган сана бўйича навбат асосида.

10. Имтиёзли ва умумий рўйхатлар бўйича барча навбатлар ҳар ўқув йили якунидан сўнг бекор қилинади ҳамда август ойидан бошлаб талабаларнинг мурожаатлари асосида қайтадан шакллантирилади.

11. Талабаларни олий таълим муассасаси талабалар турар жойларига қабул қилиш ЯИДХП ёки давлат хизматлари марказлари орқали берилган йўлланма асосида ушбу Регламентга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Талабаларни талабалар турар жойига йўлланмасиз қабул қилиш тақиқланади.

12. Талабаларни талабалар турар жойига жойлаштириш бўйича йўлланмалар тақдим этилган ўқув йили учун амал қилади.

2-боб. Давлат хизматларини кўрсатиш тартиби

13. Талаба йўлланма олиш учун давлат хизматлари марказларига бевожуб келиб (ишончли вакил орқали) ёки мустақил равишда ЯИДХП орқали мурожаат қилиши мумкин.

14. Талабалар турар жойига жойлашиш учун ариза бериш ҳар йили 1 августдан бошланади ва ўқув йили якунига қадар давом этади.

15. Талаба давлат хизматлари маркази орқали мурожаат қилганда, марказ ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат қилган тақдирда эса, мустақил равишда Регламентга 2-иловага* мувофиқ сўровномани тўлдиради.

16. Сўровнома асосида махсус ахборот тизимида қуйидаги ҳаракатлар автоматик равишда амалга оширилади:

талабани имтиёзли ёки умумий рўйхатга киритиш;

талабалар турар жойида бўш ўрин бўлганда, йўлланмани шакллантириш;

талабалар турар жойида бўш ўрин мавжуд бўлмаган тақдирда — тегишли рўйхат бўйича талабани навбатга қўйиш ва бу ҳақда хабарнома юбориш;

талабалар турар жойида ўринлар бўшаши билан бўш ўринлар тўғрисидаги маълумотларни автоматик янгиллаб бориш.

17. Талаба қуйидаги ҳуқуқларга эга:

сўровнома юборилганидан сўнг ҳам ундаги маълумотларни таҳрирлаш;

талабалар турар жойида, жумладан, тегишли факультет бўйича мавжуд бўш ўринлар тўғрисидаги маълумотни кўриш;

давлат хизматлари маркази, ЯИДХП ёки махсус рақамга сўров юбориш орқали рўйхатдаги навбат ҳолати ҳақида СМС-хабар олиш. Бунда ҳар бир кирувчи СМС-хабар учун тўлов ариза берувчи ҳисобидан ундирилади;

ҳар қандай босқичда давлат хизмати кўрсатилишидан воз кечиш.

Ариза берувчи талаба онлайн тарзда навбатни кузатиши ва ЯИДХПда хабарномаларни олиши, шунингдек талабалар турар жойига қабул қилиш учун ариза бериш усулидан (ЯИДХП ёки давлат хизматлари марказлари орқали)

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қатъи назар, давлат хизматлари марказларида мурожаат ҳолати тўғрисида маълумотни бепул олиши мумкин.

18. Олий таълим муассасаси талабанинг сўровномасида камчиликларни аниқлаган тақдирда, ариза берувчига беш иш куни ичида уларни бартараф этиш учун имконият берилади.

19. Сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилганлиги ҳамда камчиликлар белгиланган муддат мобайнида бартараф этилмаганлиги давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос бўлади.

Талабани талабалар турар жойига жойлаштириш бўйича давлат хизмати кўрсатишни бошқа асосларга кўра рад этиш тақиқланади.

Давлат хизматидан фойдаланиш рад этилган ёки талаба давлат хизмати кўрсатилишидан воз кечган тақдирда, талабанинг сўровномаси тизим томонидан автоматик равишда кўриб чиқилмасдан қолдирилади ва навбатдан чиқарилади. Бунда навбатга туриш ҳақидаги хабарнома ёки йўлланма сўровнома билан биргаликда бекор қилинади.

20. Талабалар турар жойига жойлашиш учун йўлланма талабалар турар жойида ўринлар бўшаган куни махсус ахборот тизимида дастлаб имтиёзли рўйхат, сўнг умумий рўйхатдаги навбат бўйича автоматик равишда шакллантирилади.

21. Махсус ахборот тизими томонидан шакллантирилган электрон йўлланма ва талабаларнинг навбатга қўйилганлиги ҳақидаги электрон хабарнома уларнинг қоғоз шаклига тенглаштирилади.

Бунда йўлланма ва хабарномалар автоматик равишда олий таълим муассасасига ҳамда ариза берувчига давлат хизматлари маркази ёки ЯИДХП орқали юборилади.

Давлат хизматлари маркази йўлланма келиб тушгандан сўнг 10 дақиқа мобайнида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ҳамда ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.

Ариза берувчи давлат хизматлари марказига келиб мурожаат қилган тақдирда, йўлланма унинг сўровига кўра электрон ёки қоғоз шаклда берилади.

22. Талабани талабалар турар жойига жойлаштириш олий таълим муассасаси ва ариза берувчи ўртасида шартнома тузиш орқали расмийлаштирилади.

Бунда:

шартнома олий таълим муассасасига йўлланма келиб тушган ёки тақдим этилган куннинг ўзида тузилади;

йўлланма билан биргаликда шартнома ва биринчи ой учун тўлов топшириқномаси автоматик равишда шакллантирилади;

талаба йўлланма шакллангандан сўнг 10 иш куни мобайнида олий таълим муассасаси билан шартнома тузмаса ёки талабалар турар жойи учун дастлабки ойлик тўловни тўламаган тақдирда, йўлланма бекор қилинади.

23. Талабалар турар жойи учун ойлик тўлов миқдори ва муддатлари олий таълим муассасаси томонидан белгиланади ҳамда шартномада акс эттирилади.

24. Талабаларни талабалар турар жойига жойлаштириш бўйича давлат хизмати бепул кўрсатилади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

25. Давлат хизматлари марказлари, олий таълим муассасалари ва ташкилотлар ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган ариза берувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлайди.

26. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

27. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 14 августдаги 376-сон қарорига
2-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабалар томонидан тўланадиган ижара тўловларини қоплаб бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 24 сентябрдаги 605-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 2-бандда:

иккинчи хатбошидан «белгиланган мезонлар асосида» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги «талабани ижтимоий мезонлар бўйича ўрганиш ва талабага ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб беришни кўриб чиқиш» сўзлари «талабалар аризасини кўриб чиқиш, ўрганиш ва ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш бўйича қарор қабул қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

2. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

талабалар сафига қабул қилинган ва талабалар турар жойи билан қамраб олинмаган олий таълим муассасасидан узоқ жойлашган ҳудудлардан келган биринчи босқич талабалари (доимий яшаш жойи бошқа туманда (шаҳарда) бўлган ижара асосида яшайдиган талабалар)га, олий таълим муассасаларига ушбу мақсадларда ажратилган маблағлар доирасида сентябрь ва октябрь ойлари учун ижара шартномаси талаб этмасдан ойлик ижара тўловининг бир қисми қоплаб берилади ҳамда белгиланган тартибда ижара шартномаси тақдим этган талабаларга ноябрь ойидан тўловлар давом эттирилади;

давлат олий таълим муассасалари томонидан ижара ҳуқуқи асосида яшаётган, бироқ ижара тўловлари ушбу қарорда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган талабаларнинг 60 фоизидан ортган қисми учун ойлик ижара тўлови бир қисмини ушбу олий таълим муассасаси томонидан тасдиқланган мезонлар ва тартиб

асосида молиявий имкониятидан келиб чиқиб бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши мумкин»;

3. Илова (Давлат олий таълим муассасаларининг ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабаларига ойлик ижара тўловининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом)да:

а) 2-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат олий таълим муассасаларининг ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабаларига ойлик ижара тўловининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш бўйича талабгорларни танлаб олиш комиссияси (кейинги ўринларда — комиссия) — талабалар аризасини кўриб чиқиш, ўрганиш ва ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш бўйича қарор қабул қилишга масъул бўлган мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ таркибда олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан тасдиқланадиган доимий ва жамоатчилик асосида ишлайдиган тузилма»;

б) 4 — 7-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Битта турар жойда икки ва ундан ортиқ талаба ижара ҳуқуқи асосида яшаган ҳолатларда, уларнинг барчаси ижара шартномасида қайд этилган бўлишлари шарт.

Бунда талабгорларга ойлик ижара тўловининг бир қисми ижара шартномасининг суммасидан қатъи назар, Тошкент шаҳрида — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари, қолган ҳудудларда — базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари миқдорида тўланади.

5. Ариза берувчи томонидан тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар асосида талабгорлар комиссия томонидан аниқланади.

6. Давлат олий таълим муассасаларининг фақат кундузги таълим шаклида (хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида ва факультетларида таълим олаётган талабалардан ташқари), давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида таҳсил олишидан қатъи назар, ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган талабаларнинг 60 фоизига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилади.

7. Ариза берувчи мустақил равишда ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги анкета-аризани икки нусхада тўлдириб, ижара шартномаси нусхаси билан ўзи таълим олаётган факультетнинг ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари ёки олий таълим муассасасининг талабаларни турар жой билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштирувчи бўлимига (кейинги ўринларда — масъуллар) топширади.

Бунда ариза берувчи мазкур бандда келтирилган ҳужжатларга қўшимча равишда ўзининг ижтимоий ҳолати тўғрисидаги маълумотномаларни (агар мавжуд бўлса) илова қилиши лозим»;

в) 3-бобнинг номидан «ижтимоий мезонлар бўйича» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 10-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Масъуллар бир ҳафта давомида тьюторлар билан биргаликда ариза берувчиларнинг маълумотларини комиссияга тақдим этиш учун ҳар томонлама ўрганади»;

д) 11-банддаги «хулоса бериш» сўзлари «қарор қабул қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 12-банддаги «талабгорлар» сўзи «ариза берувчилар» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 13-банддаги «талабгор» сўзи «ариза берувчи» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 22-банднинг биринчи хатбошисидан «ҳамда ижтимоий мезонларга кўра» сўзлари чиқариб ташлансин;

и) 24-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Комиссия томонидан доимий равишда ижара шартномасини қалбакилаштирган ва нотўғри маълумотлар тақдим этган талабалар рўйхати шакллантирилиб борилади.

Ушбу талабалар рўйхатига тушган талабаларга комиссия қарори асосида ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш тўхтатилиши мумкин»;

к) 25-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Қўйидаги ҳолатларда ариза берувчига ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш рад этилиши мумкин:

ариза берувчи ушбу Низомнинг 24-бандида кўрсатилган талабалар рўйхатида мавжуд бўлганда;

ариза берувчининг ижара шартномасида кўрсатилган манзилда яшамаслиги, ижарада яшаётган манзил ота-онаси (қонуний вакиллари)га тегишли эканлиги, ижара шартномаси тегишли тартибда расмийлаштирилмаганлиги;

тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки сохта маълумотлар мавжуд бўлганда;

ариза ва тегишли ҳужжатлар қабул қилишнинг охириги санаси тугагандан кейин тақдим этилганда»;

л) 2-илова (Анкета-ариза)нинг 10-банди учинчи хатбошисидagi «ижтимоий мезонларга мувофиқлигимни» сўзлари «ижтимоий ҳолатимни» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

369 Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар ягона электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 9 ноябрдаги ПФ–244-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун тартибга солиш юкини камай-тириш ҳамда мамлакатда қулай ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 9 ноябрдаги ПФ–244-сон Фармонига асосан:

Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар ягона электрон реестрига (кейинги ўринларда — Ягона реестр) тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш воситалари бўйича белгиланган барча талаблар, уларнинг муддатлари, улар билан боғлиқ молиявий харажатлар, талабларга мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатлар, назорат қилувчи органлар, текширув шакллари ҳамда жавобгарлик чоралари тўғрисидаги маълумотлар киритилиши;

Ягона реестрга маълумотлар тегишли соҳани тартибга солувчи ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан киритилиши;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ягона реестрнинг оператори ҳисобланиши, унинг юритилишини услубий таъминлаши, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар ягона электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Ягона реестрни шакллантириш ва юритиш мақсади ҳамда принцип-лари;

Ягона реестрда ҳар бир мажбурий талаб бўйича киритиладиган маълумотларнинг турлари;

Ягона реестрни шакллантириш ва юритиш бўйича ваколатли давлат органлари ҳамда ташкилотларининг функциялари;

тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган амалдаги мажбурий талаблар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш тартиби;

янги жорий этиладиган мажбурий талаблар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш тартиби;

Ягона реестрда жойлаштирилган маълумотларни янгилаб бориш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 15 августда эълон қилинган.

2023 йил 1 декабрга қадар Ягона реестр электрон тизимининг ишлаб чиқирилишини ва синов тариқасида ишга туширилишини;

Ягона реестрнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси ва заруратга кўра бошқа ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Ягона реестрни ишлаб чиқиш ва ишга тушириш, унга техник хизмат кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, унинг функционал имкониятларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ харажатлар Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

мажбурий талаблар тўғрисидаги маълумотлар ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан шакллантирилади, бунда маълумотларнинг асосланганлиги, ишончилиги ва белгиланган муддатда тақдим этилиши учун маълумотни киритаётган идораларнинг биринчи раҳбарларига шахсий масъулият юкланади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мажбурий талаблар тўғрисидаги маълумотлар белгиланган тартибда шакллантирилиши ва тақдим этилишини назорат қилади ҳамда аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича таъсир чораларини кўради.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев ҳамда адлия вазири А.Д. Ташкулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 14 август,
385-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 14 августдаги 385-сон қарорига
ИЛОВА

Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар ягона электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар ягона электрон реестрини (кейинги ўринларда — Ягона реестр) шакллантириш, юритиш ва маълумотларни янгилаб бориш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ваколатли органлар — мажбурий талабларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга ваколатли бўлган, ушбу талабларга риоя этилишини назорат қилувчи давлат органлари ва ташкилотлари;

ишчи гуруҳ — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 ноябрдаги ПФ–244-сон Фармони билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектлари учун тартибга солиш юкини камайтириш бўйича ишчи гуруҳ;

кичик ишчи гуруҳлар — мажбурий талабларни таҳлил қилиш ва уларни қисқартириш мақсадида масъул вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, йирик давлат корхоналарининг малакали мутахассислари, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари-дан иборат таркибда ишчи гуруҳ томонидан тузиладиган гуруҳлар;

мажбурий талаблар — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган тадбиркорлик фаолияти субъектлари бажариши шарт бўлган талаблар.

3. Ягона реестрда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги мажбурий талаблар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан очиқ ва умумий фойдаланиш учун жойлаштирилади.

4. Мажбурий талабларни қисқартириш ва уларнинг Ягона реестрини шакллантириш ишларини ташкил этиш ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирлик ва идораларнинг Ягона реестрни шакллантириш билан боғлиқ фаолиятини услубий таъминлайди, шунингдек уларнинг ушбу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

2-боб. Ягона реестрни шакллантириш ва юритиш

6. Ягона реестрни шакллантириш амалдаги мажбурий талаблар рўйхатини тузиш, уларни қайта кўриб чиқиш, тартибга солиш таъсирини баҳолаш, такрорланувчи ва долзарблигини йўқотган талабларни бекор қилиш ҳамда уларни тизимли шакллантириш, юритиш, янгилаб бориш ва тадбиркорлик фаолияти субъектларига мажбурий талаблар ҳақида ахборот бериш жараёнларини ўз ичига олади.

7. Ягона реестрни шакллантириш ҳамда унда жойлаштирилган маълумотларни янгилаб бориш ушбу Низомга 1-иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

8. Ваколатли органлар ҳар йили 1 мартга қадар ўз соҳасидаги мажбурий талаблар ўрнатилган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни хатловдан ўтказати ҳамда уларнинг рўйхатини шакллантиради.

9. Рўйхатга киритилган ҳужжатлардаги ҳар бир мажбурий талабнинг зарурати, асослилиги ва долзарблиги ваколатли орган томонидан таҳлил қилинади, таҳлил натижалари бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи маълумотнома тайёрланади ва ушбу Низомнинг 2-илоvasида* белгиланган шаклда Ишчи гуруҳга киритилади:

мажбурий талабнинг мазмуни;

мажбурий талаб белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат (техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат) номи, реквизитлари, таркибий бирлиги ва унинг матнига ҳавола;

мажбурий талабнинг зарурати, асослилиги ва долзарблиги;

мажбурий талабнинг амал қилиш муддати;

мажбурий талабга риоя қилиши лозим бўлган тадбиркорлик соҳасининг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичи бўйича иқтисодий фаолияти тури;

мажбурий талабга риоя этилишини назорат қилиш (текшируви)нинг шакли, назорат қилинадиган (лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш) фаолият турининг номи (агар мавжуд бўлса);

мажбурий талабларга риоя этилиши устидан давлат назоратини (текширувини) амалга оширувчи ваколатли органлар;

мажбурий талабга мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадиган ваколатли орган (агар мавжуд бўлса);

мажбурий талабга риоя қилмаганлик учун белгиланган жавобгарлик чоралари, уни қўлловчи органлар, шунингдек, жавобгарликни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи, реквизитлари, таркибий бирлиги ва унинг матнига ҳавола;

мажбурий талабга риоя қилиш бўйича қўлланмалар, улар бўйича ваколатли органларнинг расмий тушунтиришлари, назорат қилинадиган шахсларни хабардор қилиш доирасида ишлаб чиқилган норматив тусга эга бўлмаган бошқа ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар (реквизитлар, қабул қилган ваколатли органнинг номи, ҳужжатларга ҳаволалар) (агар мавжуд бўлса);

мажбурий талабнинг қайта кўриб чиқилиши муддати;

мажбурий талаб натижасида тадбиркорлик субъекти учун юзага келадиган молиявий харажатлар.

10. Ишчи гуруҳ ваколатли органлар томонидан киритилган мажбурий талабларни зарурати, асослилиги ва долзарблигини танқидий таҳлил қилган ҳолда, уларни тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва қисқартириш тўғриси-

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

да таклифлар тайёрлаш учун ҳар йили 15 мартга қадар тегишли кичик ишчи гуруҳларга юборади.

11. Кичик ишчи гуруҳлар ваколатли органлар томонидан киритилган мажбурий талабларнинг кўриб чиққан ҳолда мажбурий талабларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолайди ва ҳисоботини ҳамда ушбу талабларни қисқартириш тўғрисидаги таклифларни ва бошқа таҳлилий материалларни ҳар йили 1 июлга қадар ишчи гуруҳга киритади.

12. Ишчи гуруҳ мажбурий талабларни қисқартириш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқади ва ҳар йили 15 июлга қадар кичик ишчи гуруҳларга уларни амалга ошириш бўйича тегишли топшириқлар беради.

13. Кичик ишчи гуруҳлар тегишли соҳага оид мажбурий талабларни қисқартиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва бир ой муддатда белгиланган тартибда ишчи гуруҳга киритади.

14. Ишчи гуруҳ Ягона реестрни шакллантириш доирасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш ҳолати ҳақида ахборот ҳамда мажбурий талабларни қисқартиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини бир ой муддатда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритади.

15. Ваколатли органлар қайта кўриб чиқилган ҳамда қисқартирилган мажбурий талаблар асосида соҳалар бўйича мажбурий талаблар тўғрисидаги маълумотларни шакллантиради ва қайта кўриб чиқилгандан кейин дарҳол Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритади.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ваколатли органлар томонидан мажбурий талаблар тўғрисидаги шакллантирилган маълумотларни уч иш куни ичида Ягона реестрга жойлаштиради.

17. Ягона реестрни шакллантириш ва юритиш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари қўйидагиларни амалга оширади:

а) ваколатли органлар:

Ягона реестрга жойлаштириш учун мажбурий талаблар тўғрисидаги маълумотларни мазкур Низом талабларига мувофиқ шакллантиради;

мажбурий талаблар тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига белгиланган тартибда ва муддатларда киритади;

мажбурий талаблар тўғрисидаги маълумотларни шакллантиришга масъул бўлган ходимларнинг рўйхатини тасдиқлайди;

мажбурий талабларнинг зарурати, асослилиги ва долзарблигини доимий таҳлил қилиб боради;

б) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ягона реестрнинг оператори ҳисобланади ҳамда унинг юритилишини услубий таъминлайди, шунингдек, ваколатли органларнинг ушбу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ягона реестрнинг ишга туширилишини, унинг узлуксиз фаолият кўрсатишини, унга техник хизмат кўрсатиш ва қўллаб-қувватлашни ташкил қилади;

Ягона реестрдан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг узлуксиз фойдаланиши учун имконият яратади;

Ягона реестрда жойлаштирилган маълумотнинг хавфсизлигини таъминлайди;

мажбурий талаблар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва уларни янгилаб боришда ваколатли органларга услубий ёрдам кўрсатади ҳамда тавсиялар ишлаб чиқади;

ваколатли органлар томонидан шакллантирилган мажбурий талаблар тўғрисидаги маълумотларнинг Ягона реестрда жойлаштирилишини таъминлайди;

мажбурий талаблар тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ва белгиланган тартибда тақдим этмаган, шунингдек, Ягона реестрни шакллантириш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузган ваколатли органларга нисбатан таъсир чораларини қўллайди.

18. Янги жорий этилган мажбурий талаблар тўғрисидаги маълумотлар ваколатли органлар томонидан улар қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида мазкур Низомнинг 9-банди талабларига мувофиқ шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мажбурий талаблар тўғрисидаги маълумотлар келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни ичида уларни Ягона реестрга киритади.

3-боб. Ягона реестрга жойлаштирилган маълумотларни янгилаб бориш

20. Мажбурий талаблар белгиланган норматив-ҳуқуқий ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда, шунингдек, улар ўз кучини йўқотган деб топилганда ваколатли орган уч иш куни давомида мажбурий талаблар тўғрисидаги маълумотларни янгилайди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч иш куни давомида Ягона реестрда жойлаштирилган мажбурий талаблар тўғрисидаги маълумотларга тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминлайди.

21. Ягона реестрга жойлаштирилган мажбурий талаблар уларнинг долзарблиги ва зарурати ҳамда жорий этилишидан кўзланган мақсадларга эришилганлиги юзасидан ҳар беш йилда бир марта ваколатли органлар томонидан тартибга солиш таъсирини баҳолаган ҳолда қайта кўриб чиқилади.

22. Ваколатли орган томонидан мажбурий талабни қайта кўриб чиқиш натижалари бўйича таклифлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича уларни қабул қилувчи органга, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига белгиланган тартибда киритилади.

23. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи орган ёки Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги мажбурий талабни

қайта кўриб чиқиш натижалари бўйича уни ўз кучида қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида бир ой ичида қарор қабул қилади.

24. Мажбурий талабни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ваколатли орган белгиланган тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёхуд техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат лойиҳасини қарорда назарда тутилган муддатларда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш чораларини кўради.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

25. Ягона реестрга киритилмаган мажбурий талабларни бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланмайди, шунингдек, ваколатли органлар томонидан Ягона реестрга киритилмаган мажбурий талабларнинг бажарилишини текшириш тақиқланади.

26. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING
BUYRUG‘I****370 Ishga qabul qilish chog‘ida tanlov o‘tkazish to‘g‘risidagi
namunaviy nizomni tasdiqlash haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil
14-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3451*

O‘zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 123-moddasiga muvofiq
buyuraman:

1. Ishga qabul qilish chog‘ida tanlov o‘tkazish to‘g‘risidagi namunaviy nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi, O‘zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi va O‘zbekiston Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.
3. Ushbu buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir**B. MUSAYEV**

Toshkent sh.,
2023-yil 26-iyun,
52-2023/B-son

Kelishildi:

*Korrupsiyaga qarshi kurashish
agentligi direktori*

A. BURXANOV

2023-yil 26-iyun

*O‘zbekiston Kasaba uyushmalari
Federatsiyasi raisi*

K. RAFIKOV

2023-yil 7-iyun

*O‘zbekiston Savdo-sanoat
palatasi raisi*

D. VAXABOV

2023-yil 9-iyun

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 14-avgustda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining
2023-yil 26-iyundagi 52-2023/B-son buyrug'iga
ILOVA

Ishga qabul qilish chog'ida tanlov o'tkazish to'g'risidagi NAMUNAVIY NIZOM

Mazkur Namunaviy nizom mulkchilik shaklidan va idoraviy mansubligidan qat'i nazar, tashkilotlarga (bundan buyon matnda tashkilotlar deb yuritiladi) ishga qabul qilish chog'ida tanlov o'tkazish tartibini belgilaydi.

Ushbu Namunaviy nizom talablari ishga qabul qilish uchun tanlov o'tkazish tartibi alohida qonunchilik hujjatlari bilan belgilangan tashkilotlarga nisbatan tatbiq etilmaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Namunaviy nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

nomzod — tashkilotdagi bo'sh (vakant) bo'lgan muayyan ish o'rnini (lavozimni) egallash uchun tanlovda ishtirok etish istagini bildirgan shaxs;

malaka talablari — nomzodlarga nisbatan ish beruvchi tomonidan belgilanadigan, ish tajribasiga va kasbiy kompetensiyasiga doir talablar.

2. Ishga qabul qilish bo'yicha tanlovni o'tkazish vaqtida nomzodlarga jinsi, yoshi, irqi, millati, tili, ijtimoiy kelib chiqishi, mulkiy holati va mansab mavqeyi, yashash joyi, dinga bo'lgan munosabati, e'tiqodi, jamoat birlashmalariga mansubligi, shuningdek ularning ishchanlik sifatleri va mehnati natijalari bilan bog'liq bo'lmagan boshqa jihatlariga qarab mehnat va mashg'ulotlar sohasida biror-bir to'g'ridan to'g'ri yoki bilvosita cheklovlar belgilash, xuddi shuningdek imtiyozlar berish kamsitish deb hisoblanadi va bunga yo'l qo'yilmaydi.

2-bob. Ishga qabul qilish chog'ida tanlovni tashkil etish va o'tkazish

3. Ish beruvchi tanlovni tashkilotdagi bo'sh (vakant) ish o'rni uchun munosib nomzodlarni tanlash maqsadida tashkil etadi va o'tkazadi.

4. Ishga qabul qilish chog'ida tanlovning o'z vaqtida va sifatli tashkil etilishi va o'tkazilishini ta'minlash uchun tashkilot rahbarining buyrug'i bilan doimiy faoliyat yuritadigan tanlov komissiyasi (bundan buyon matnda Tanlov komissiyasi deb yuritiladi) tashkil etiladi.

5. Ishga qabul qilish chog'ida tanlov tashkilot tizimida mavjud bo'sh (vakant) ish o'rinlaridan kelib chiqqan holda yilning har choragida kamida bir marta o'tkaziladi.

6. Tanlov komissiyasi tarkibi tashkilotning xodimlari va tegishli sohaning malakali mutaxassisleri orasidan kamida besh kishidan iborat va toq sonli tarkibda shakllantiriladi.

Bunda, tashkilot rahbari yoki uning o'rinbosari Tanlov komissiyasi raisi hamda tashkilotning inson resurslarini rivojlantirish va boshqarish bo'yicha

tarkibiy bo‘linmasi rahbari yoki bunga mas‘ul xodimi Tanlov komissiyasi kotibi hisoblanadi.

Tanlov komissiyasi tarkibiga kelishuv asosida fuqarolik jamiyati institutlari, oliy ta‘lim muassasalari yoki davlat organi va tashkiloti huzuridagi jamoatchilik kengashlarining vakillari ham kiritilishi mumkin.

7. Tanlov komissiyasi uning a‘zolari umumiy sonining kamida uchdan ikki qismi ishtirok etganda vakolatli hisoblanadi. Tanlov komissiyasining qarori oddiy ko‘pchilik ovoz bilan qabul qilinadi va majlisda ishtirok etgan barcha a‘zolar tomonidan tasdiqlanadigan bayonnoma bilan rasmiylashtiriladi.

Berilgan ovozlari soni teng bo‘lib qolgan taqdirda, Tanlov komissiyasi raisining ovozi hal qiluvchi hisoblanadi.

8. Tanlov komissiyasi tarkibiga nomzodning yaqin qarindoshi yoki tanlovning natijasidan bevosita yoki bilvosita manfaatdor bo‘lgan yoxud tanlovning xolis o‘tkazilishiga ta‘sir ko‘rsatadigan shaxslar kiritilishi mumkin emas.

9. Tanlov komissiyasi quyidagi huquqlarga ega hisoblanadi:

tanlov o‘tkazish vaqtini belgilash;

tanlovning sifatli o‘tkazilishini ta‘minlash maqsadida komissiya tarkibiga professional va malakali mutaxassislarini jalb qilish;

malakali kadrlarning tanlab olinishini ta‘minlash maqsadida tanlov tadbirlari o‘tkazilish jarayonini nazorat qilish.

10. Tanlov komissiyasi quyidagilarga majbur hisoblanadi:

nomzodning hujjatlarini qabul qilish va ularni o‘rganib chiqish;

nomzodning shaxsga doir ma‘lumotlarini uning roziligisiz oshkor qilmaslik;

tanlovni o‘tkazish vaqtida nomzodlarga beriladigan savollarni sifatli va bo‘sh (vakant) ish o‘rni uchun belgilangan malaka talablariga muvofiq ishlab chiqish.

11. Tanlov quyidagi bosqichlardan iborat hisoblanadi:

tanlovning o‘tkazilishi to‘g‘risida e‘lon berish;

nomzodning hujjatlarini qabul qilish va ularni o‘rganib chiqish;

nomzodni test, suhbat va (yoki) amaliy mashg‘ulot sinovlaridan o‘tkazish (bundan buyon matnda tanlov tadbirlari deb yuritiladi);

tanlov natijalarini e‘lon qilish.

12. Tanlov komissiyasi kotibi tomonidan tanlov tadbirlari o‘tkazilishidan kamida bir oy oldin tashkilotning rasmiy veb-saytida bo‘sh (vakant) ish o‘rinlari bo‘yicha ma‘lumotlar (bo‘sh (vakant) ish o‘rni va unga qo‘yiladigan malaka talablari, lavozim majburiyatlari, ish haqi) hamda tanlov o‘tkazish joyi va kunlari, tanlov tadbirlarida berilishi mumkin bo‘lgan savollarning namunaviy ro‘yxati joylashtiriladi.

13. Nomzodlarga qulaylik yaratish maqsadida tashkilotga kirish joylarida nomzodlarni saralash tartibi, ularga qo‘yiladigan talablar haqidagi ma‘lumotlar qayd etilgan axborot stendlari majburiy tartibda joylashtirilishi lozim.

14. Nomzodlar Tanlov komissiyasiga mazkur Namunaviy nizomning ilovasiga muvofiq shakldagi ariza bilan yozma yoki elektron shaklda murojaat qiladi.

15. Tanlov komissiyasi tomonidan nomzodning arizasi kelib tushgan kundan e‘tiboran besh ish kuni ichida unda ko‘rsatilgan ma‘lumotlar o‘rganib chiqiladi.

16. Nomzod tomonidan ariza va ma'lumotlar mazkur Nizomning ilovasiga muvofiq taqdim etilmagan bo'lsa yoki arizada tegishli ma'lumotlar to'liq ko'rsatilmagan yoxud noto'g'ri ko'rsatilgan bo'lsa, Tanlov komissiyasi tomonidan nomzodga kamchiliklarni bartaraf etib, qayta murojaat qilish mumkinligi to'g'risida ushbu ariza kelib tushgan kundan e'tiboran besh ish kuni ichida yozma yoki elektron shaklda ma'lum qilinadi.

17. Tanlov tadbirlari boshlanishiga besh ish kunidan kam muddat qolganda murojaat qilgan nomzodlar ushbu tanlovda emas, balki keyingi tanlovda ishtirok etishlari mumkin bo'ladi.

18. Nomzodga bir vaqtning o'zida tashkilotdagi bir necha bo'sh (vakant) ish o'rinlari uchun tanlovda ishtirok etish huquqi beriladi.

19. Tanlovda qatnashish to'g'risidagi ariza bilan murojaat qilgan nomzodlarga tanlov tadbirlari boshlanishidan besh kun oldin tanlov tadbirlarining boshlanish vaqti va joyi haqida Tanlov komissiyasi tomonidan xabar beriladi.

20. Tanlov davlat tilida, shuningdek nomzodning so'roviga ko'ra u tanlagan xorijiy tilda o'tkazilishi mumkin.

21. Nomzodning bo'sh (vakant) ish o'rni uchun belgilangan malaka talablariga muvofiqligini, shuningdek uning ish tajribasi va kasbiy kompetensiyasini aniqlash uchun Tanlov komissiyasi tomonidan test, suhbat va amaliy mashg'ulot sinov tadbirlarining barchasi yoki ulardan biri o'tkazilishi mumkin.

22. Tanlov tadbirlari o'tkazilayotgan xonaga nomzodlar tomonidan mobil aloqa vositasi, kompyuter yoki boshqa aloqa va telekommunikatsiya vositalari, kitob, lug'at, shpargalka va boshqa materiallar olib kirish hamda foydalanish, shuningdek boshqa nomzodlar bilan suhbatlashish taqiqlanadi.

Bunda, ushbu taqiqlangan materiallarni olib kirgan yoki foydalangan, shuningdek tanlov tadbirlari vaqtida boshqa nomzodlar bilan suhbatlashgan nomzod tanlov tadbirlarini o'tkazish tartibini buzgan deb hisoblanadi hamda dalolatnoma asosida tanlov tadbirlaridan chetlashtiriladi.

23. Tanlov tadbirlarini o'tkazish vaqtida nomzodning natijalari (tanlov natijalari) ballik tizimda baholanadi.

24. Tanlov tadbirlari faqat test sinovlari bo'yicha o'tkazilgan taqdirda nomzodning natijalari 100 ballik tizimda baholanadi. Bunda, test savollari 50 tani va har bir to'g'ri javob 2 ballni tashkil qiladi.

25. Tanlov tadbirlari faqat suhbat shaklida o'tkazilgan taqdirda nomzodning natijalari 5 ballik tizimda baholanadi. Bunda, Tanlov komissiyaning har bir a'zosi nomzodni quyidagi mezonlarga asosan baholaydi:

berilgan savollarga to'liq va aniq javob berishi, faoliyat sohasi bilan bog'liq tizimli bilimlarga ega bo'lishi, ulardan o'z kasb faoliyatida mustaqil foydalanishni bilishi, ijtimoiy muammolar va jarayonlarni mustaqil tahlil qila olishi — 5 ball;

berilgan savollarga aniq, biroq to'liq javob berolmasligi, faoliyat sohasi bilan bog'liq bilimlarga ega bo'lishi, ulardan o'z kasb faoliyatida foydalanishni bilishi, ijtimoiy muammolar va jarayonlarni tahlil qila olishi — 4 ball;

berilgan savollarga to'liq javob berolmasligi, faoliyat sohasi bilan bog'liq bilimlarga yetarli darajada ega bo'lishi, ulardan o'z kasb faoliyatida foydalanishni bilishi — 3 ball;

berilgan savollarga noaniq javob berishi, faoliyat sohasi bilan bog‘liq bilimlarga ega bo‘lishi, ulardan o‘z kasb faoliyatida foydalanishni bilmasligi — 2 ball;

berilgan savollarga noaniq javob berishi, faoliyat sohasi bilan bog‘liq bilimlarga yetarli darajada ega emasligi — 1 ball;

berilgan savollarga umuman javob bera olmasligi — 0 ball.

26. Tanlov tadbirlari faqat amaliy mashg‘ulotlarni bajarish shaklida o‘tkazilgan taqdirda nomzodning natijalari 5 ballik tizimda baholanadi. Bunda, Tanlov komissiyasining har bir a‘zosi nomzodni quyidagi mezonlarga asosan baholaydi:

mashg‘ulotni sifatli, mehnatni muhofaza qilish, texnika, yong‘in xavfsizligi va mashg‘ulotni bajarishda rioya etilishi kerak bo‘lgan boshqa qoidalarga rioya qilgan holda hamda belgilangan vaqtda bajarishi — 5 ball;

mashg‘ulotni sifatsiz, mehnatni muhofaza qilish, texnika, yong‘in xavfsizligi va mashg‘ulotni bajarishda rioya etilishi kerak bo‘lgan boshqa qoidalarga rioya qilgan holda hamda belgilangan vaqtda bajarishi — 4 ball;

mashg‘ulotni sifatsiz, mehnatni muhofaza qilish, texnika, yong‘in xavfsizligi va mashg‘ulotni bajarishda rioya etilishi kerak bo‘lgan boshqa qoidalarga rioya qilmasdan, belgilangan vaqtda bajarishi — 3 ball;

mashg‘ulotni sifatsiz, mehnatni muhofaza qilish, texnika, yong‘in xavfsizligi va mashg‘ulotni bajarishda rioya etilishi kerak bo‘lgan boshqa qoidalarga rioya qilmasdan hamda belgilangan vaqtdan o‘tib bajarishi — 2 ball;

mashg‘ulotni umuman bajara olmasligi — 0 ball.

27. Tanlov test, suhbat va amaliy mashg‘ulot sinov tadbirlarining barcha shakllarida o‘tkazilgan taqdirda umumiy 100 ballik tizimda baholanadi. Bunda, test sinovlariga 30 ball, suhbat shakliga 40 ball va amaliy mashg‘ulotlar uchun 30 ball berish tavsiya etiladi.

28. Tanlovning oshkora va xolis o‘tkazilishini ta‘minlash maqsadida Tanlov komissiyasi tanlov tadbirlarini onlayn rejimda ovozli videotranslatsiya qilishi kerak.

29. Tanlov natijasiga ko‘ra eng yuqori ball to‘plagan nomzod tanlov g‘olibi hisoblanadi va u bo‘sh (vakant) ish o‘rni mavjud bo‘lgan taqdirda ishga qabul qilinadi.

30. Tanlov g‘olibi o‘z arizasiga ko‘ra mehnat shartnomasini tuzishdan bosh tortgan taqdirda, Tanlov komissiyasi qaroriga asosan eng yuqori balldan keyingi o‘rinni egallagan nomzod tanlov g‘olibi deb topiladi.

31. Tanlov natijalari u o‘tkazilgan kunning o‘zida e‘lon qilinadi va Tanlov komissiyasining barcha a‘zolari tomonidan imzolananadigan, komissiya raisi tomonidan tasdiqlanadigan bayonnomada qayd etiladi.

Bunda, bayonnomada quyidagilar ko‘rsatiladi:

bayonnomada raqami va qabul qilingan sanasi;

tanlovda ishtirok etgan komissiya a‘zolari ro‘yxati;

nomzodga tushgan savollar va ularga berilgan javoblarning mazmuni;

tanlov natijalari;

tanlovda g‘olib deb topilgan, shuningdek tanlovdan o‘ta olmagan nomzodlar ro‘yxati;

komissiya qarori ustidan shikoyat qilish tartibi.

32. Tanlovda g'olib bo'lmagan nomzodlar bo'sh (vakant) ish o'rni uchun keyingi tanlovda nomzod sifatida ishtirok etishi mumkin.

3-bob. Nomzodlarning apellatsiya shikoyatlarini ko'rib chiqish

33. Nomzodlarning apellatsiya shikoyatlarini ko'rib chiqish uchun tashkilot rahbarining buyrug'i bilan tashkilotning kamida besh nafar mutaxassislaridan iborat tarkibda Apellatsiya komissiyasi tashkil etiladi.

Bunda, Apellatsiya komissiyasi tarkibiga boshqa davlat organlari va tashkilotlaridan ham mutaxassislar kelishuv asosida jalb etilishi mumkin.

Tanlov tadbirlarini o'tkazishga mas'ul bo'lgan shaxslarning Apellatsiya komissiyasi tarkibiga kiritilishiga yo'l qo'yilmaydi.

34. Tanlov komissiyasi qaroridan norozi bo'lgan nomzodlar tanlov natijalari e'lon qilingan kundan boshlab bir oy ichida Apellatsiya komissiyasiga yozma yoki elektron shaklda apellatsiya shikoyati berishlari mumkin.

Bunda, Apellatsiya komissiyasi apellatsiya shikoyati bilan murojaat qilgan nomzodni shikoyat ko'rib chiqilishidan ikki kun oldin uni ko'rib chiqish vaqti va joyi haqida ogohlantiradi.

35. Apellatsiya komissiyasi apellatsiya shikoyatini, u kelib tushgan kundan boshlab besh kun muddat ichida ko'rib chiqadi. Bunda, apellatsiya shikoyati bilan murojaat qilgan nomzod mazkur shikoyatni ko'rib chiqishda ishtirok etish huquqiga ega.

36. Apellatsiya komissiyasi unda a'zolarining kamida uchdan ikki qismi ishtirok etganda vakolatli hisoblanadi. Apellatsiya komissiyasining qarori oddiy ko'pchilik ovoz bilan qabul qilinadi va majlisda ishtirok etgan barcha a'zolar tomonidan tasdiqlanadigan bayonnoma bilan rasmiylashtiriladi.

Berilgan ovozlar soni teng bo'lib qolgan taqdirda, Apellatsiya komissiyasi raisining ovozi hal qiluvchi hisoblanadi.

37. Apellatsiya komissiyasi tanlov jarayonida nomzodning bergan javoblari va bajargan amaliy mashg'ulotlarini ular aks etgan videotasvirlarni ko'rish orqali tekshiruvdan o'tkazadi. Apellatsiya komissiyasi tomonidan apellatsiya shikoyatini ko'rib chiqish davomida nomzodga uni qayta baholashga qaratilgan savollar berilishiga yo'l qo'yilmaydi.

38. Shikoyatni ko'rib chiqish natijalari bo'yicha Apellatsiya komissiyasi tomonidan quyidagi qarorlardan biri qabul qilinadi:

tanlov natijalarini o'zgarishsiz qoldirish;

tanlov natijalariga o'zgartirish kiritish va nomzod tanlovni muvaffaqiyatli topshirgan deb topish.

Apellatsiya shikoyatini ko'rishda nomzodning tanlovda olgan natijasini pasaytirishga yo'l qo'yilmaydi.

39. Apellatsiya komissiyasi apellatsiya shikoyati bilan murojaat qilgan nomzodga o'z qarorini u qabul qilingan kunning o'zida ma'lum qilishi kerak.

40. Apellatsiya komissiyasining tanlov natijalariga o'zgartirish kiritish va nomzod tanlovni muvaffaqiyatli topshirgan deb topish to'g'risidagi qarori asosida u bo'sh (vakant) ish o'rni uchun ishga tavsiya etilgan deb hisoblanadi.

41. Apellatsiya komissiyasi qarori ustidan nomzod yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishi mumkin.

4-bob. Yakuniy qoida

42. Ushbu Namunaviy nizom talablari buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javob beradilar.

Ishga qabul qilish chog'ida tanlov o'tkazish
to'g'risidagi namunaviy nizomga
ILOVA

Ishga qabul qilish bo'yicha tanlovni o'tkazishda tashkilotga nomzod tomonidan taqdim etiladigan arizaning NAMUNAVIY SHAKLI

Tanlov komissiyasiga		
1.	Ariza beruvchi nomzodning F.I.O:	
2.	Yashash manzili (respublika, viloyat, shahar, tuman, qishloq, ovul, ko'cha xonadon raqami) to'liq ko'rsatiladi):	
3.	JShIR raqami:	
4.	Pasport yoki ID-karta ma'lumotlari: (seriyasi, raqami, kim tomonidan va qachon berilgan)	
5.	Bog'lanish uchun telefon:	
6.	Ma'lumoti: (umumiy o'rta, o'rta maxsus, professional va oliy)	
7.	Tugatgan ta'lim muassasasining nomi:	
8.	Diplom (shahodatnoma) bo'yicha mutaxassisligi, uning seriyasi, raqami, berilgan sanasi va bergan ta'lim muassasasining nomi:	
9.	Malaka oshirganlik to'g'risidagi ma'lumotlar (qachon va qaysi tashkilot tomonidan berilgani, seriyasi va raqami, qaysi mavzu bo'yicha malaka oshirganligi) (agar mavjud bo'lsa):	
10.	Malaka toifasiga ega ekanligi to'g'risidagi ma'lumotlar (qachon va qaysi tashkilot tomonidan berilgani, seriyasi va raqami, qaysi ixtisoslik bo'yicha toifa berilgani) (agar mavjud bo'lsa):	

11.	Umumiy ish staji (agar mavjud bo'lsa), shundan bo'sh (vakant) ish o'rni uchun talab etiladigan mutaxassislik bo'yicha:	
12.	Ariza to'ldirilgan sana:	
13.	Shaxsga doir ma'lumotlardan foydalanishga roziligi (ariza beruvchi shaxsning imzosi):	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

371 **Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
14 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240-7*

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 апрелдаги ЎРҚ–830-сон «Маъмурий жарималарни тўлашда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 332¹-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2011 йил 31 майдаги 68-сон буйруғи (рўйхат рақами 2240, 2011 йил 5 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 27-сон, 286-модда) билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2023 йил 12 июль,
361-сон

П. БОБОЖОНОВ

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2023 йил 12 июлдаги
361-сон буйруғига
ИЛОВА

Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар

1. 11-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Хуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг эллик фоизини ёки ўттиз кун ичида жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилиниши;».

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 15 августда эълон қилинган.

2. 70-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг эллик фоизини ёки ўттиз кун ичида жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Кодекснинг 131, 132, 136 ва 140-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилганда;».

3. 1²-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига
доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига
доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
1²-ИЛОВА

**«GA 0000000000 — рақамли Жарима солиш
тўғрисидаги қарор**

(қарор чиқарилган сана)

(қарор чиқарилган жой)

Мен,

(қарорни чиқарган орган номи, мансабдор шахснинг лавозими, унвони, фамилияси, исми, отасининг исми)

махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари
орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши тафсилотлари-
ни кўриб чиқиб, қуйидагиларни **АНИҚЛАДИМ:**

20__ йил ____ куни соат ____ да
«_____» кўчалари (чорраҳаси)да,

да
рўйхатда турувчи фуқаро _____/
юрidik шахс _____
га тегишли бўлган _____ русумли
_____ давлат
рақам белгили транспорт воситасида
ҳайдовчи _____
(хуқуқбузарликнинг тафсилоти), бу билан
Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг
__-моддаси ____ қисмида назарда
тутилган хуқуқбузарликни содир этган.



GA 0000000000

*Транспорт воситасининг
мулкдори
Ф.И.О.
Яшаш манзили*

**Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 171, 248, 304, 307 ва
309¹-моддаларига асосланган ҳолда
ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

_____ русумли _____ давлат рақам бел-
гили транспорт воситаси мулкдори _____га
Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг __-моддаси __ қисмига асосан
_____ (_____ сўзларда ёзилади) микдорда жарима
белгилансин.

Давлат рақам белгиси туширилган транспорт воситаси фотосурати	Қоидабузарлик содир этилган вақтдаги транспорт воситаси фотосурати	Мазкур қарор устидан эътирозингиз бўлса
		телефон рақамига соат 09:00дан 22:00гача мурожаат қилишингизни тавсия қиламиз.

(қарор қабул қилган масъул шахснинг электрон рақамли имзоси)

Ҳуқуқ ва мажбуриятларингиз:

Тайинланган жаримани қарор чиқарилган кундан бошлаб олтмиш (60) кундан кечиктирмай, ушбу қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда эса, шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан эътиборан ўттиз (30) кундан кечиктирмай тўлашингиз лозим.

Мазкур қарор чиқарилган кундан эътиборан олтмиш (60) кун ўтгач жарима тўланмаган тақдирда транспорт воситангиз қарорнинг ижроси юзасидан иш юритиш тугагунига қадар ушлаб турилади.

Мазкур қарор устидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга ёки жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига унинг нусхасини олган кунингиздан бошлаб (10) ўн кун ичида шикоят беришингиз мумкин. Шикоят маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор қабул қилган орган (мансабдор шахс) орқали ёки бевосита шикоят йўлланган судга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 332¹-моддасига мувофиқ ҳуқуқбузар жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг эллик фоизини ёки ўттиз кун ичида жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 131, 132, 136 ва 140-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилганда;

жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда ёки протест билдирилганда;

худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилганда.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

372 Ишлаб чиқариладиган табиий газга акциз солиғини
тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ки-
ритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
17 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2310-3*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республи-
каси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекист-
тон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги
Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмита-
сининг 2011 йил 12 декабрдаги 79, 2011-37-сон қарори (рўйхат рақами 2310,
2012 йил 9 январь Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,
2012 й., 2-сон, 20-модда; 2013 й., 6-сон, 82-модда; 2016 й., 33-сон, 398-мод-
да) билан тасдиқланган Ишлаб чиқариладиган табиий газга акциз солиғини
тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар кири-
тилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга
киради.

Вазир

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 19 июль,
2310-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 18 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил
19 июлдаги 2310-сон буйруғига
ИЛОВА

Ишлаб чиқариладиган табиий газга акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 2-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 283 ва 2893-моддаларига мувофиқ республикада ишлаб чиқариладиган табиий газ реализациясига акциз солиғи солинади.»;

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «Ўзтрансгаз» АК» деган сўзлар «Ўзтрансгаз» АЖ» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 4-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 5-бандда:

1) «а» кичик банддан «ҳамда экспортга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) «б» кичик бандда:

иккинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидан «ва экспортга» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. 8-банддаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

373 **Йўналишга чиқиш олдидан автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш ҳамда йўловчилар, багаж ва юклар ташувларини амалга оширадиган ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2560-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сон «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 2 мартдаги 116-сон «Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2014 йил 17 январдаги 22, 1 ва 1-сон қарори (рўйхат рақами 2560, 2014 йил 19 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 8-сон, 84-модда) билан тасдиқланган Йўналишга чиқиш олдидан автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш ҳамда йўловчилар, багаж ва юклар ташувларини амалга оширадиган ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Транспорт вазири

Тошкент ш.,
2023 йил 3 август,
22-сон

И. МАХКАМОВ

Соғлиқни сақлаш вазири

Тошкент ш.,
2023 йил 28 июль,
31-сон

А. ИНОЯТОВ

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 18 августда эълон қилинган.

Ички ишлар вазири**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 31 июль,
35-сон

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлигининг 2023 йил
3 августдаги 22-сон, Соғлиқни сақлаш ва-
зирлигининг 2023 йил 28 июлдаги 31-сон ва
Ички ишлар вазирлигининг 2023 йил
31 июлдаги 35-сон қарорига
ИЛОВА

**Йўналишга чиқиш олдидан автотранспорт воситаларини
техник кўриқдан ўтказиш ҳамда йўловчилар, багаж ва юклар
ташувларини амалга оширадиган ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан
ўтказишни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 10-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«ҳайдовчилик гувоҳномаси;».
2. 11-банддаги «2015 йил 24 декабрдаги 370-сон» деган сўзлар «2022 йил
12 апрелдаги 172-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

374 Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига наслли молларни аукцион (кимошди савдоси) орқали сотишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1591-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 14 мартдаги ЎРҚ–759-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2006 йил 16 июндаги 128-сон буйруғи (рўйхат рақами 1591, 2006 йил 5 июль) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 27-сон, 255-модда) билан тасдиқланган Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига наслли молларни аукцион (кимошди савдоси) орқали сотишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ВОИТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 18 июль,
130-сон

Келишилди:

*Рақобатни ривожлантириш
ва истеъмолчилар ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш қўмитаси раиси*

Ш. ШАРАХМЕТОВ

2023 йил 11 июль

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 19 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
қишлоқ хўжалиги вазирининг 2023 йил
18 июлдаги 130-сон буйруғига
ИЛОВА

**Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига
насли молларни аукцион (кимошди савдоси) орқали сотишни
амалга ошириш тартиби тўғрисида низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 9-банднинг олтинчи хатбошисидаги «паспорт нусхаси» деган сўзлар «паспорт ёки идентификация ID-картаси нусхаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 23-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Аукцион савдосини ўтказишга тайёрлаш ва амалдаги тартиб ва қоидаларга риоя қилинишини назорат қилиш учун аукцион савдоси ташкилотчиси таркиби камида 4 кишидан иборат бўлган доимий ёки муваққат фаолият юритувчи аукцион савдоси комиссиясини тузади.

Аукцион савдоси комиссияси таркибига мулкдор вакилидан ташқари қўйидагилар киради:

туман (шаҳар) ҳокимлиги вакили;

туман (шаҳар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи;

туман (шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими вакили.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭКОЛОГИЯ, АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

375 Қаттиқ маиший чиқинди полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3197-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **бюроман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 17 октябрдаги 12-сон қарори (рўйхат рақами 3197, 2019 йил 19 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.11.2019 й., 10/19/3197/4037-сон) билан тасдиқланган Қаттиқ маиший чиқинди полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. АБДУХАКИМОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 22 июль,
МН-10-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 19 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва
иқлим ўзгариши вазирининг 2023 йил
22 июлдаги МН-10-сон буйруғига
ИЛОВА

**Қаттиқ маиший чиқинди полигонларини лойиҳалаштириш
ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқномага киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 5-банддаги «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 16-банддаги «Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси» деган сўзлар «Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 20-банддаги «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг» деган сўзлар «Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

376 «Амбулаторияда даволанишда имтиёзли таъминлаш учун мўлжалланган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2522-3

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги ҳамда «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2013 йил 8 ноябрдаги 27 ва 103-сон «Амбулаторияда даволанишда имтиёзли таъминлаш учун мўлжалланган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2522, 2013 йил 13 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 46-сон, 608-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 26 июль,
30-сон

Иқтисодиёт ва молия вазири

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 19 июль,
65-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 22 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил
26 июлдаги 30-сон ва Иқтисодиёт ва молия
вазирлигининг 2023 йил 19 июлдаги
65-сон қарорига
ИЛОВА

**«Амбулаторияда даволанишда имтиёзли таъминлаш учун
мўлжалланган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш
тўғрисида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорнинг муқаддимаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги ва «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 июлдаги 204-сон «Шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қиладилар**:».

2. Иловада:

а) VIII бўлим қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«VIII. Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерлар,
1941 — 1945 йиллардаги уруш оқибатида ногиронлиги
бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек уларга
тенглаштирилган шахслар, 1941 — 1945 йиллардаги уруш
меҳнат fronti қатнашчилари, Чернобиль АЭСидаги ҳалокат
оқибатларини тугатишда қатнашган — ногиронлиги бўлган
шахслар, байналмилалчи жангчилар, ҳарбий хизматни ядро
полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида
ўтаган пенсия ёшидаги шахслар учун».**

б) изоҳдаги «уруш ногиронлари ва қатнашчилари» деган сўзлар «уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O‘zbekiston Respublikasi kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2023-yil 26-iyundagi 52-2023/B-son “Ishga qabul qilish chog‘ida tanlov o‘tkazish to‘g‘risidagi namunaviy nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i.

2023-yil 14-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3451.

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2023 йил 12 июлдаги 361-сон «Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 14 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240-7.

3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 19 июлдаги 2310-сон «Ишлаб чиқариладиган табиий газга акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 17 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2310-3.

4. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2023 йил 3 августдаги 22-сон, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 28 июлдаги 31-сон ва Ички ишлар вазирлигининг 2023 йил 31 июлдаги 35-сон «Йўналишга чиқиш олдидан автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш ҳамда йўловчилар, багаж ва юклар ташувларини амалга оширадиган ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2023 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2560-2.

5. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2023 йил 18 июлдаги 130-сон «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжалиқларига насли молларни аукцион (кимошди савдоси) орқали сотишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2023 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1591-2.

6. Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг 2023 йил 22 июлдаги МН-10-сон «Қаттиқ маиший чиқинди полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2023 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3197-3.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 26 июлдаги 30-сон ва Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 19 июлдаги 65-сон «Амбулаторияда даволанишда имтиёзли таъминлаш учун мўлжалланган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2023 йил 18 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2522-3.